

КУЗГИ РАПС ГУЛ ТЎПЛАМЛАРИНИНГ ШАКИЛЛАНИШИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ёкубов Жасур Ашуралиевич

мустақил изланувчи (ПСУЕАИТИ)

Каримов Шарофиддин Абдукаримович

қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим (ПСУЕАИТИ)

Равшанова Нилуфар Адилевна

қ.х.ф.ф.д. (ШИТИ)

Илмий муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада 2019-2022 йиллар давомида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапс “Ясна” навининг гул тўпламлари шаклланишига турли муддат ва меъёрларда экишнинг таъсири ўрганилган. Экиш меъёрларининг ошиши гуллар сонининг камайишига олиб келади. Экиш муддатлари ҳам гуллаш динамикаси ва гуллар ҳосил қилиш сонига таъсир қилиб сентябрнинг 3-декабасида экилган кузги рапс “Ясна” навларда энг юқори кўрсаткичлар аниқланган. энг кўп гул тўпламлар экиш меъёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантда ҳосил қилиши аниқланган.

Аннотация: В данной статье в течение 2019-2022 годов изучено влияние посадок в разные сроки и нормы на формирование цветочных соцветий рапса осеннего «Ясна» в условиях типичных сероземов Ташкентской области. Увеличение норм посадки приводит к уменьшению количества цветков. Сроки посева также влияют на динамику цветения и количество цветков, причем наиболее высокие показатели определены у осеннего рапса сорта Ясна, посаженного в 3-й декаде сентября. Установлено, что максимальное количество цветочных соцветий образуется на контрольном варианте при нормах посадки 1,0 млн шт./га.

Abstract: In this article, during 2019-2022, the influence of planting in different periods and standards on the formation of flower clusters of autumn rape "Yasna" in the conditions of typical gray soils of Tashkent region was studied. An increase in planting rates leads to a decrease in the number of flowers. Sowing dates also



affect the dynamics of flowering and the number of flowers, and the highest indicators were determined in the autumn rape "Yasna" varieties planted in the 3rd decade of September. it was determined that the maximum number of flower clusters is produced in the control variant with planting standards of 1.0 million pieces/ha.

Калит сўзлар: *Кузги рапс, гул тўппам, ҳарорат, ташқи омиллар, ўсимлик, нав, генератив орган, экиш меъёри, экиш муддати, гуллаш динамикаси, декада, назорат вариант*

Ключевые слова: *Рапс осенний, цветонос, температура, внешние факторы, растение, сорт, генеративный орган, норма посадки, период посадки, динамика цветения, декада, вариант борьбы*

Key words: *Autumn rape, flower set, temperature, external factors, plant, variety, generative organ, planting rate, planting period, flowering dynamics, decade, control option*

Илмий мақола матни: Гуллаш энг паст куртакнинг очилиши билан бошланади асосий пояда ва 14 дан 21 кунгача давом этганлигини, кунига учдан бешгача ёки ундан кўп гул очилишини ва 40 тагача Очилган гулларнинг 55 фоизда кўчатлар пайдо бўлишини, юқори ҳароратлар намлик стресси билан бирга бўлиши мумкинлигини ҳамда ушбу босқичда ҳосилдорликни сезиларли даражада камайтиришини Hans Kandel ва Janet J. Knodel ўз тажрибаларида кузатган.

Ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва уни прогнозлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири генератив органларнинг шаклланишини ўрганишдир. Генератив органларнинг шаклланиши кўп жиҳатдан ташқи омилларга - ёруғлик, сув, ҳарорат, ҳаво намлиги, тупроқ шакли ва таркибига боғлиқ. Атроф-муҳит шароитлари ва ўз вақтида сифатли агротехник тадбирларнинг амалга ошириш дала экинлар навларининг биологик имкониятлари даражасини белгилайди.

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапс "Ясна" навининг гул тўппамларининг шаклланишига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири ўрганилган бўлиб, 2020 йилги тажрибаларда, сентябр ойининг 3-декадасида экилган кузги рапс «Ясна» навининг экиш меъёрларига ва олинган натижаларни экиш муддатларига қараб 97.6 дан 759.4 дона/м² гача ўзгариб борди. Экиш меъёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган вариантда 29 март санасида олинган натижаларга кўра



гуллаш даврининг боши 129.2 дона/м² ни ташкил қилган бўлса экиш меъёрларининг 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га ошши бу кўрсаткични мос равишда 122,0; 113,4; 109,1; 97.6 дона/м² га камайиб боришига сабаб бўлди. Озуқа майдонининг қисқариши, экиш меъёрлари 2,5; 3,0 млн.дона/га бўлган вариантларда, назорат вариантыга нисбатан мос равишда 20,1; 31,7 дона/м² га камайишига олиб келди.

6-апрел куни (40% гуллаш фазасига кирган даврда) ўсимликларда гуллар сони экиш меъёрларига қараб 273.2 дан 361.6 дона/м² га ошиб борди. Экиш меъёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантда гуллар сони 261.6 дона/м² ҳосил қилган бўлса экиш меъёри 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га ошиши бу кўрсаткични назоратга нисбатан мос равишда 20.1; 42.2; 56.2; 88.4 дона/м² кам бўлишига сабаб бўлди ва вариантларда мос равишда 341,5; 317.4; 305.4; 273.2 дона/м² ни ташкил қилди.

Гуллаш фазасининг охирида (10 апрел) экиш меёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантда кузги рапс “Ясна” навида 759.4 дона/м² гул ҳосил қилгани аниқланди. Экиш меъёрлари 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га оширилганда гуллар сонининг камайиш қонуниятини ушбу оширилган натижаларда ҳам кузатилди. Вариантларга мос равишда 759.4; 717.2; 666.6; 641.3; 573.8 дона/м² гул тўплапларини ҳосил қилди.

Октябрнинг (2020 йил) 1-декадасида, экиш меъёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантыда гуллаш фазасининг бошида 98.3 дона/м² ни ташкил қилган бўлса, экиш меъёрларининг ошиши, озуқа майдонининг қисқариши бу кўрсаткичнинг пасайиш қонуниятини бу тажрибада ҳам кузатилди. Вариантларга мос равишда назорат вариантыга нисбатан 2.9; 5.0; 7.9; 10.8 дона/м² кам бўлганлиги кузатилди. 6-апрел санасида олинган маълумотларга кўра экиш меъёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантыда гуллар сони 265.4 дона/м² ни ташкил қилди. Экиш меъёрлари 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га бўлган вариантларда мос равишда 257,7; 251,8; 244,1; 236,3 дона/м² ташкил қилиб назоратга нисбатан 7.7; 13.6; 21.3; 29.1 дона/м² камайиб бориши кузатилган. 10 апрел санаси (гуллаш фазаси охири) да олинган натижаларга кўра гуллар сони экиш меъёри 1,0 млн.дона/га бўлган вариантда 583.9 дона/м², экиш меъёлари 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га ошиши бу кўрсаткични мос равишда 566.8; 554.1; 537.0; 520.0 дона/м² камайганлиги маълум бўлди.

Сентябрнинг 3-декадасида экилган кузги рапс «Ясна» навининг гуллаш динамикаси ва гуллар сони ҳосил қилиш октябр 1-декадасида экилган ўсимликларга нисбатан юқориқ бўлиши аниқланди. 10- апрел санасида




назорат олинганда экиш меъёри сентябрнинг 3-декадаси бўлган вариантларда ўсимликлардаги гуллар сони, экиш меъёрлари 1,0; 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га бўлган вариантларда нисбатан октябрнинг 1-декадасида экилган ўсимликлада 175.5; 150.4; 112,5; 104,3; ва 53.8 дона/м² кам бўлганлага аниқланди. Октябрнинг 1-декадасида экилган кузги рапс ўсимликларида гуллар сони кескин камайиб кетиши аниқланди.

Октябрнинг 2-декадасида экилган кузги рапс “Ясна” навида 9-март куни олинган натижаларга кўра экиш меъёри 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантда 95.4 дона/м² гул ҳосил қилган бўлса экиш меъёраининг 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га ошиши ушбу кўрсаткич мос равишда 90.4; 84.7; 82,5; 76.8 дона/м² ни ташкил қилди. 6-апрел санасида олинган натижаларга кўра экиш меъёри 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантда гуллар сони 238.6 дона/м² бўлиб, экиш меъёрлар 0.5 млн.дона/га дан оширилиб бориши (1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га) гуллар сонининг камайиб бориш қонунияти бу тажрибада ҳам кузатилди ва вариантларга мос равишда 226.0; 211.7; 206.3; ва 191.9 дона/м² ни ҳосил қилди. 10-апрелда олинган натижаларга кўра экиш меъёрлари 1,0; 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га бўлган вариантларда гуллар сони мос равишда 453.3; 429.4; 402.2; 391.9; 364.1 дона/м² ни ҳосил қилди. Бу даврда олинган натижаларда ҳам юқоридаги қонуният кузатилганлиги аниқланди. Экиш меъёрлари ошиши, озуқа майдонининг қисқариши кузги рапс гул ҳосил қилиш сонига таъсир қилиб ушбу найжани пасайишига олиб келди. Назорат вариантга нисбатан бу кўрсаткич 23.9; 51.1; 62.2; 88.6 дона/м² вариантларга мос равишда кам бўлганлиги кузатилди. Октябрнинг 2-декадасида экилган ўсимликларнинг ҳосил қилга гуллари сони, сентябрнинг 3-декадасида экилган ўсимликлар билан тақослаганда бу кўрсаткичнинг пасайиб кетиш қонунияти бу тажрибада ҳам кузатилди. Сентябрьнинг 3- декадасида экилган вариантларга нисбатан (10-апрел) 306.1; 287.8; 261.4; 249.4; 209.4 дона/м² кам бўлгари кузатилган.

Ҳулоса қилиб айтган гуллар сонининг динамикаси экиш меъёрлари ва муддатларига блғлик;

- экиш меъёрларининг ошиши гуллар сонининг камайишига олиб келади;
- экиш муддатлари ҳам гуллаш динамикаси ва гуллар ҳосил қилиш сонига таъсир қилиб сентябрнинг 3-декадасида экилган кузги рапс “Ясна” навларда энг юқори кўрсаткичлар аниқланган;
- экиш меъёрлари 1,0 млн.дона/га бўлган назорат вариантда энг кўп гул тўпламлар ҳосил қилиши аниқланган.





1-расм. Кузги рапс “Ясна” нави гул тўпламларининг шакилланиши

АДАБИЁТЛАР

1. Hans Kandel ва Janet J.K. Canola Production Field Guide, ўқув қўлланмаси. 2021. 10 р.
2. Волков А. Ер Енергия биохилмахиллиги. Ахборот бюллетени №3 01.12.2012 6-бет
3. Food and Agriculture Organization of the United Nations Global Information and Early Warning System on Food and Agriculture (GIEWS). Food Outlook, Rome, 2014. 186 р.

